

ПАРТИЯ ВА ХАЛҚНИНГ БУЮК БИРЛИГИ



МОСКВА. 19 ноябрда КПСС Марказий Комитетининг Пленуми Кремлда ўз ишини бошлади. Суратда: Пленум Президиумида.

В. Егоров ва И. Савостьянов фотоси (ТАСС фотохроникаси).

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ,
МЕХНАТҚАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

9-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 231 (2264).

21

НОВАБЪР
ЧОРШАНБА
1962 ЙИЛ

БАҲОСИ
2 ТИЯИН

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми 1962 йил 20 ноябрда ўз ишини давом эттирди.

Пленумда ўртоқ Н. С. Хрущевнинг «СССР экономикасининг ривожлантирилиши ва халқ хўжалиги-га партия раҳбарлиги» ҳақидаги докладини муҳокама қилиш бошланди.

Эрталабки мажлисда Г. И. ВОРОНОВ (КПСС Марказий Комитети РСФСР Бюроси раисининг биринчи ўринбосари), Н. В. ПОДГОРНИЙ (Украина КП Марказий Комитетининг биринчи секретари), П. Н. ДЕМИЧЕВ (КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари), А. И. КОСТОУСОВ (СССР Министрлар Совети Автоматлаштириш ва машина-созлик давлат комитетининг раиси), В. С. ТОЛСТИКОВ (КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари), И. А. ГРИШМАНОВ (СССР Министрлар Совети Қурилиш ишлари давлат комитетининг раиси), К. Т. МАЗУРОВ (Белоруссия КП Мар-

казий Комитетининг биринчи секретари) ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Кечқурунги мажлисда А. П. ВОЛКОВ (СССР Министрлар Совети Меҳнат ва иш ҳақи масалалари давлат комитетининг раиси), Ш. Р. РАШИДОВ (Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари), Н. Я. МАМАЙ («Краснодонуголь» трести 1-«Суходольская» шахтасининг комбайн бригадаси бошлиғи), Д. А. ҚУНАЕВ (Қозғистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари), М. В. КУЛИКОВА (Ивановадаги Дзержинский номли ил йи-гириш — тўқувчилик фабрикасининг мастер ёрдам-чиси), В. Ю. ОХУНДОВ (Озарбайжон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари) ўртоқлар сўз-га чиқдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз иши-ни давом эттирмоқда.



Ўртоқ Михаил Андреевич СУСЛОВГА

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Сизни, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва халқро коммунистик ҳаракатининг атоқли арбобини олтинчи ёшга кирган кунингизда қиз-гин табриклайдилар.

Марксча-ленинча идеялар тантанаси йўлида, коммунизм галабаси йўлида кун сайин қилаётган меҳнатингиз партия, мамлакатимиз меҳнатқашлари томонидан юксак даражада қадрланмоқда.

Қадрдон Михаил Андреевич, Сизнинг кўп йиллар сиҳат-саломат бўлишингизни ва улуғ халқимиз бахт-саодати йўли-да самарали ишлашингизни чин кўнгилдан тилаймиз.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ ЎРТОҚ М. А. СУСЛОВГА СОЦИАЛИСТИК МЕХНАТ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ М. А. Суслов туғилган кунининг олтинчи йиллиги муносабати билан ҳамда унинг Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги катта хизматларини тақдир-лаб, ўртоқ Михаил Андреевич Сусловга Социалистик Меҳнат Қа-ҳрамони унвони берилсин, унга Ленин ордени ва «Ўроқ ва Болга-олтин медали топирилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ

1962 йил, 20 ноябр Москва Кремль,

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми 20 ноябрда Москвада Катта Кремль саройида ўз ишини давом эттирди.

Эрталабки мажлисда ўртоқ Н. С. Хрущевнинг «СССР экономикасининг ривожлантирилиши ва халқ хўжалиги партия раҳбарлиги» ҳақидаги докладини муҳокама қилиш бошланди.

КПСС Марказий Комитети РСФСР Бюроси раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ Г. И. ВОРОНОВ музокарада биринчи бўлиб сўзга чиқди. Хаммаиш шуни тушуниб турибмики, деди у, Марказий Комитетининг маю шу Пленуми Коммунистик партиянинг шонли тарихида муҳим босқич бўлиб қолади, мамлакатимизда коммунизми янада ғолибона суратда куриш учун жуда катта аҳамиятга эга бўлади.

Ўз умрини яшаб бўлган эски ташкилий формаларни партияимиз сўнгги йилларда ленинча дедилик билан тубдан ўзгартириб, халқ хўжалигига партия ва давлат раҳбарлигини муттасил тақомиллашти-риб келди. Халқ хўжалиги кен-гашилари ва ишлаб чиқариш кол-хоз-совхоз бошқарма л а р и н и г ташкил этилиши айниқса катта роль ўйнади. Лекин ҳаёт олға қа-раб бормоқда, коммунистик қури-лиш практикаси янги вазифалар-ни, янги талабларни илгари сур-моқда ва шунинг учун хўжаликни бошқаришнинг бутун системасини янада тақомиллаштириш тўғриси-да доимо таҳкурлик қилиш керак.

Коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш учун кураш бў-лжлик ишларининг муаммалари бе-лиққа кенгайтириб юборди, деб таъкидлайди ўртоқ. Халқ хўжали-гининг ҳамма тармоқларида сифат жиҳатидан катта катта сўзлашлар юз бермоқда. Экономиканиз та-рқиётининг янги мазмуни, янги савияси раҳбарликдаги ташкилий формаларнинг ҳам янги бўлишини тақозо этмоқда. Маю шунинг учун СССР экономикасининг ривожлан-тирилиши ва халқ хўжалигига партия раҳбарлиги ҳақидаги маса-ланин Н. С. Хрущев ташаббуси билан ушбу Пленум муҳокамасига қўйилиши ниҳоятда буюк аҳами-ятга эгадир.

Ўртоқ Воронов Россия Федера-циясининг партия ва совет орган-ларини ташкилий жиҳатдан қайта куриш тўғрисидаги таклифлар ҳа-қида Пленумга ахборот бериб ўта-ди. РСФСРдаги ҳозирги область ва ўлкалар территориясида санаот ишлаб чиқаришига раҳбарлик қи-лиш бўйича 45 та мустақил об-ласть ва ўлка партия комитети ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чи-қаришига раҳбарлик бўйича 45 та мустақил область ва ўлка партия комитети тузиш кўзда тутилмоқда. Е санаот, ёки қишлоқ хўжалиги асосий ўрнида турган бир неча область битта область партия ко-митети ташкил қилиш мўлжаллан-моқда. Автоном республикаларда ягона область партия комитетлари тузиб, шулардан кўпчилигида са-наот ишлаб чиқаришига раҳбарлик қилиш бўйича бюро ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига раҳ-барлик қилиш бўйича бюро таш-кил қилиш таклиф этилмоқда.

785 та территориял ишлаб чи-қариш бошқармаси тузиш кўзда тутилмоқда. Қишлоқ район партия комитетлари ўрнига территориял ишлаб чиқариш бошқармаларининг партия комитетларини тузиш мўл-жалланмоқда.

Ҳозирги вақтда РСФСРда 394 та шаҳар партия комитети ва 233 та шаҳар районлари партия коми-тети мавжуд бўлиб, улар санаот, транспорт, қурилиш ва шаҳар хў-жалигини партия ташкилотлари-га раҳбарлик қилиб келмоқда. Ўр-тоқ Вороновнинг фикрига кўра, ана шу партия комитетларини сақ-лаб қолтиш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, янгидан 57 та шаҳар партия комитети тузиш мўлжал-ланган, бу шаҳар комитетлари ша-ҳарлардаги ва шаҳар атрофи зо-насида жойлашган посёлкалардаги санаот корхоналарининг партия ташкилотларини бирлаштирад и.

Қишлоқ жойлардаги корхона ва қурилиш объектларининг партия ташкилотларига раҳбарлик қилиш учун санаот ишлаб чиқаришига раҳбарлик бўйича партия комитет-лари ташкил этилади.

Область ва ўлка партия коми-тетларининг структураси ҳам ўз-гартирилади. Санаот ишлаб чи-қаришига раҳбарлик бўйича область ва ўлка комитетларида ҳамда қи-шлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига раҳбарлик бўйича область ва ўлка комитетларида иккитадан секретарь сайлаб қўйиш ва тегишли бўлимлар тузиш мўлжалланмоқда.

Совет органлари ҳам қайта ку-рилади. Ўлка ва областларда меҳ-натқашлар депутатларининг ик-китдан мустақил Советини ва улар-нинг ижроия комитетларини сай-лаб қўйиш, автоном республика-ларда эса, Олий Советларни, улар-нинг Президиумларини ва Ми-нистрлар Советини сақлаб қолтиш мўлжалланмоқда.

Республикада ҳозир мавжуд бўлган 67 та халқ хўжалиги ке-нгаши ўрнига йирилган иқтисодий районларнинг 22—24 та халқ хўжалиги кенгаши ташкил этилади. Қурилиш мустақил тармоқ си-фатида ажратилиб, йиринк тер-риториял қурилиш бирлашмалари ташкил қилинади. Бу бирлашма-ларга раҳбарлик қилиш учун РСФСР Министрлар Совети ҳузу-рида қурилиш ишлари бўйича рес-публика совети тузилади.

Сўнгра, ўртоқ Воронов Россия Федерацияси санаоти ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг базис бир якуналарига ва бу соҳа-даги вазифаларга тўхталди. Етти йиллик бошлангандан буён рес-публикада санаот маҳсулоти иш-лаб чиқариш контрол рақамларида кўзда тутилган 36 процент ўрнига 42 процент ошди. Оғир санаот, химия, машинасозлик ва қурилиш индустрияси айниқса тез ривож-ланмоқда. Халқ истеъмол қиладиган товарлар ишлаб чиқаришида катта юксалишга эришилди. Иш-лаб чиқаришнинг техника даража-си узлуқсиз суратда ўсиб бормоқда.

Айни маҳалда республика са-наотининг ишлаб катта намчилик-лар бор. Мавжуд резерв ва имко-ниятлардан қониқарсиз фойдала-ниб келинмоқда. Ўтган йили фе-дерацияда фақат халқ хўжалик ке-нгашига қарашли корхоналар-дан 2600 таси давлат планларини бажармади. Шу йилнинг ўн ойи-ида корхоналардан 2280 таси ёки 20 процентни давлат планлар-ини бажармади. Машинасозлик ва-зирлигида машина ускуналарини иш-билан таъминлаш коэффициенти 30—35 процент кўпайтири-лган бўлур эди. Республиканинг партия ва хўжалик органлари са-наот ва қурилишга раҳбарлик қи-

лишдаги намчиликларни тугатиш учун зарур чораларни кўрадилар.

Шундан сўнг ўртоқ Воронов бундай дейди: республикада тай-ёрланган дон ҳамми 1953 йилда-га нисбатан икки баравар кўпай-ди, чорвадорлар ҳам баъзи бир ютуқларни қўлга киритдилар. 10 ноябгача давлатга 3,8 миллион тонна, яъни ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 397 минг тонна кўп гўшт сотилди.

Бу йил об-ҳаво нуқуллай келди. Шундай ҳодиса илгарики вақтлар-да юз бериб қолганда, деб таъ-кидлайди ўртоқ Воронов, биз мушкул аҳволга тушиб қолган бў-лур эдик. Аввало, КПСС Мар-казий Комитети, шунингдек Феде-рациянинг партия, совет ва қи-шлоқ хўжалик органлари қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги жиҳдий намчиликларни тугатиш йўлида қатъият билан кўрган та-дбирлар ана шундай мураккаб шар-оитларда деҳқончилик ва чорва-чилик маҳсулотлари етиштириш даражасини кўтаришга имкон бер-ди. Колхоз ва совхозлар ўт-далали система солиб қўйган говларни парчалаб, экин майдонлари струк-турасини қайта қараб чиқдилар. Дон экинлари майдони ўтган йил-дагига нисбатан қариб 7 миллион гектар кенгайтирилди, дук-накли дон экинлари, қанд лавлиги кўпроқ экинди. Ўтазорларни на-майитириш, тоза шудорларни қис-қартитиш ва янги ерларни ишга солиш йўли билан қўшимча ра-вишда 400 миллион пуддан кўпро-қ дон етиштирилди. Колхоз ва совхозлар чорва молларни жадал суратда боқиб семиртиришга то-бора кўпроқ кўчмоқдалар, подода-ги моллар структурасини яхши-ламоқдалар. Сигирлар ўтган йил-дагига нисбатан 1 миллион 83 минг бош кўпайтирилди.

Бироқ, биз ериштирган натижа-ларга маҳлиё бўлиб қола олма-ймиз. Россия Федерацияси колхоз ва совхозларнинг жуда бош резерв-лари бор, лекин бу резерв-лардан ҳозирча қониқарсиз фой-даланилмапти. Дон, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етишти-ришни тағин ҳам тезроқ суръат-лар билан кўпайтириш мумкин ва керак. Дон етиштиришни му-ттасил кўпайтириш аввалгидек халқ хўжалигининг энг муҳим ва-зифаси бўлиб қолмоқда. Г. И. Воронов айтдики, Россия Феде-рацияси давлатга 2,5—2,6 мил-лиард пуд дон сотишни тағалачи-лик соҳасида 1963 йил учун ўзига марра қилиб белгилаб олди.

Ўртоқ Воронов, пировардида бундай дейди: биз партияимиз Мар-казий Комитетини ишонтириб ай-тамизки, Россия Федерациясининг партия ташкилотларини санаотга, қурилишга ва қишлоқ хўжалигига раҳбарлигини яхшилаб, республика экономикасини ривожлантириш ҳамда халқ хўжалигига партия раҳбарлигини яхшилашда янги ютуқларга эришиш учун ҳамма чораларни кўрадилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

БЕШИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ТУҚҚИЗИНЧИ СЕССИЯСINI ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ҚАРОР ҚИЛАДИ: Бешинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг туққизинчи сессияси 1962 йил 21 декабрда Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг туққизинчи сессияси муҳо-камасига қуйидаги масалалар киритилсин:

1. Ўзбекистон ССР халқ хў-жалигини ривожлантириш 1963 йилги Давлат плани тўғрисида.

2. Ўзбекистон ССРнинг 1963 йилги Давлат бюджет тўғрисида ва Ўзбекистон ССР 1961 йилги Давлат бюджетининг бажарили-ши ҳақида.

3. Республикада йўл қурили-шини тубдан яхшилаш тадбирла-рини тўғрисида.

4. Ўзбекистон ССР Олий Со-вети Президиумининг Фармонла-рини тасдиқлаш.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСИДИНОВА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОВ

1962 йил, 20 ноябр,
Тошкент шаҳри.



МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ

КПСС Марказий Комитети Пленумида ўртоқ Н. С. Хрущевнинг қилган доклади областимиз меҳнаткашларини янги меҳнат зафарларига илҳомлантирмоқда

ХУЖАЛИК ЙИЛИНИ НАМУНАЛИ ЯКУНЛАЙМИЗ

Бу йилги хўжалик йили колхозчиларимиз учун янги синов йили бўлди. Об-ҳаво шароити ноқулай келганлиги туфайли пахтакорларимиз бир қатор қийинчиликларга дуч келдилар. Апрель ойида бўлган совуқ ва май ойида дўл аралаш ёғин ёганлиги туфайли 1987 гектар ердаги қўчқар нобуд бўлди. Бу ерларга қайта қўчат экилиши ишга қўйилмади.

Бироқ, колхозчиларнинг бирдамлик ва фидокорлик билан меҳнат қилганлиги туфайли қийинчиликлар енгилди ва камчиликларнинг ўрни тўдирилди. Ҳамма бир ёқадан бош чиқариб, ҳар туп гўзани авайлаб парварिश қилиш ва мўл ҳосил тўплашга киришди. Шу туфайли гўза яхши ривожланиб, мўл ҳосил тўпланди. Дастлабки кунлардаги йиғим-терим ишлари кучайтириб юборилди. Барча куч ва техника воситалари етиштирилган ҳосилни ўз вақтида ва нобуд қилмай йиғиб-териб олишга сафарбар қилинди.

Мана, эндиликда КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми очилган кунда районимиз меҳнаткашлари ойна-батанга, биз планини бажардик, деб рапорт беришга мўяссар бўлдилар. Пахта тайёрлаш пунктларига 15 минг 253 тонна «оқ олтин» жўнатилади. Шу ҳосилнинг 12 минг 840 тоннаси биринчи сортларга қабул қилинди. Район бўйича 5085 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил йиғиб олинди. 9 минг тонна пахта қўп-қанорсиз ташилиб, бу соҳадаги план тўла адо этилди.

«Политотдел» колхозда пахтакорлари аjoyиб муваффақиятини кўлга киритдилар. Бу колхозда план 125,4 процент бажарилди, ҳар гектар ердан олинган ҳосил 47,6 центнердан етди. «Правда» колхозида ҳозирги кунга қадар ҳар гектаридан 42,1 центнердан, Свердлов номи колхозида 38,3 центнердан, «Эзбекистон» колхозида 36,2 центнердан ҳосил йиғиб олинди. «Ленински йўл» колхозини районда биринчи бўлиб планини бажарганлиги тўғрисида рапорт берган эди. Шу кунга қадар бу колхознинг процентини 180 га яқинлашиб қолди. Шундай қилиб, планини бажарган 6 колхоздан 4 таси: «Политотдел», «Эзбекистон», Свердлов номи, «Ленински йўл» колхозлари социалистик мажбуриятларининг ҳам бажарилишини таъминладилар.

Мўл ҳосил етиштириш учун бошланган социалистик мусобақа даъво қатнашган 52 пахтакор бригадалардан 20 тасида мажбурият адо этилди. Жумладан, «Политотдел» колхозидан Х. Мусакуюлов, А. Абдураҳмонов, «Правда» колхозидан Н. Минбоев, Свердлов номи колхозидан Ким Дегир, «Эзбекистон» колхозидан Пак Алевсаев, «III Интернационал» колхозидан Х. Дебреева, «Ленински йўл» колхозидан Ким Бондо бошлиқ бригадаларни кўрсатиш мумкин.

Бу йил колхоз правленийлари ва партия ташкилотлари ҳосилни

М. КИМ,
Юқори Чирчиқ район партия комитетининг секретари

механизация воситасида йиғиб-териб олиш масаласига катта эътибор бердилар. «III Интернационал», «Правда», Свердлов номи колхозларда машина терими плани муваффақиятли бажарилди. Свердлов номи колхоздан механик-ҳайдовчи Лим Антон 85 тонна, Эгамназар Темиров, Пятай Петр ўртоқлар 80 тоннадан, «III Интернационал» колхозидан Тўрабой Жўрабоев ва Аҳмад Обидов ўртоқлар 75 тоннадан пахта тердилар ва ўзларининг унумли меҳнати билан машинанинг кучини намойиш қилдилар.

Пахтани қўп-қанорсиз ташини ҳам хўжаликларнинг диққат марказида бўлди. Машина терими кампанияси вақтида кўмингсизлашган теримчилар ҳаракати ҳам авж олдириб юборилди. Районнинг К. Баратова, М. Носирова, С. Жамолова, Г. Облоерова, Б. Абдураҳмонов, Н. Раҳмонова, К. Темирова, Ж. Солиқова, С. Иброҳимов каби пешқадам теримчилари ҳозиргача хирмонга 8—12 тоннадан «оқ олтин» тўқидилар.

Район «соноат корхоналари ва муассасаларининг ходимлари, ишчи-хизматчилари ўзбекистон КП Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаати ҳамда Хоразм вилояти қўшма хўжалик меҳнаткашларининг оқибатига амалий иш билан жавоб бериб, теримда колхозларга ақтин ёрдам бердилар.

Лубкорларимиз ҳам ўз меҳнат натижалари билан ҳаммаки қувонтирдилар. Улар ҳам қайта экин, суввезилиш ва кузги совуқ туфайли назо берган бир қатор қийинчиликларни енгиб, мўл ҳосил етиштирилди ва давлатга луб сотиш планини 107,5 процент бажардилар. 461 тонна наюл поёси сотилди. Бу ишга «Политотдел» колхозидан катта ҳисса қўшди. Колхозда 1072 гектар ернинг ҳар гектаридан 21,2 центнердан ҳосил йиғиб олинди ва бу хўжалик районда биринчи бўлиб планини бажарди. «Эзбекистон» ва «Правда» колхозининг лубкорлари ҳам меҳнатда ўнқал кўрсатдилар ва ҳар гектар ердан 180 центнердан наюл поёси олинишини таъминладилар.

Район меҳнаткашлари етти йилликнинг тўртинчи йилида қилмоқчи бўлган меҳнаткашларнинг бошқа соҳаларида ҳам талайгина муваффақиятларга эришди л а р. Районда дунқали экинлар ҳосили сотиш плани 103,5 процент, ҳашир сотиш плани 100 процент, силос бостириш плани 105,1 процент бажарилди. Шунингдек, 35 минг 875 тонна дағал ем-хашак тайёрланди, бу соҳадаги план 100,2 процент бажарилди.

Илгор галларок бригадаларнинг сони кўпайди. Масалан, Калинин номи колхоздан Ёўлдошев, «Гулистон» колхозидан Қўрбонов,

«Коммуна» колхозидан Абдураёзов, «Эзбекистон» колхозидан Юғай Андрей бошлиқ бригадалар ҳар гектар ердан 13—15 центнердан дон олдилар. Ем-хашак базасини мустақамлаш ва молларни парварिश қилишни яхшилаш туфайли чорвачилик маҳсулотлари етиштириш бирмунча кўпайди. Гўшт сотиш плани 101,7 процент бажарилди. Шунингдек, жун, тухум, пилла сотиш планлари ҳам ортиги билан адо этилди.

Эришилган муваффақиятлар шуни кўрсатадики, колхоз правленийлари ва бошланғич партия ташкилотлари партия XXII съезди ва КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, қилмоқчи бўлган мажбуриятларни раҳбарлик қилмоқдалар. Колхоз партия ташкилотлари оператив ишлай бошладилар. Улар хўжаликнинг ички ҳаётига чуқуროқ кириб бормоқдалар. Бошланғич партия ташкилотлари партиявий ташкилий ва шёсий-оамавий ишларнинг барча формаларини моҳирлик билан қўллаб, бор имкониятларини олинган мажбуриятларнинг шараф билан бажарилишига сафарбар этмоқдалар.

Агитаторлар сўздагина эмас, амалда ҳам меҳнаткашлар орасини руҳлантириб, уларнинг куч ва имкониятларини белгиланган вази-фаларни муваффақиятли бажаришига сафарбар этаётдилар. Районимиз пахтакорлари яна 750 тонна пахта тошмири мажбуриятини олдилар. Биз бу мажбуриятни яқин кунлар ичида бажариш чораларини кўрмоқдамиз.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ўртоқ Н. С. Хрущевнинг КПСС Марказий Комитети Президиумига ёзган хатига белгиланган кўрсатмаларга амал қилиб, 1982 йили йилнинг ички ҳисса соҳалар бўйича намунали яқунлаш ва келгуси йил ҳосилга мустақам замин яратиш учун барча чора ва тадбирларни кўрладилар.

Район галлароклари 8 ноябрда кўзга экин планини бажарганлар. 16114 гектар ерга юқори сифатли қилиб дон экилди.

Шу кунларда ҳосилнинг сўнги граммларини йиғиб-териб олиш билан бирга, далаларни тозалаш ва шудгорлаш ишлари ҳам қизиб юборилган. Ҳозирга қадар 8 минг гектардан ортиқ ер ҳайдалди. Ер ҳайдашнинг 5 декабрда ту-галлашди.

КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми белгилаб берадиган кўрсатмаларга амал қилиб, 1983 йилги хўжалик йилида янгидалинган муваффақиятларни кўлга киритиш учун курашамиз.

КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумида ўртоқ Н. С. Хрущевнинг қилган докладыни ўқиб бермоқда.



Оржоникидзе районидagi Свердлов номи колхоз аъзолари КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумини муносиб меҳнат совғалари билан қутиб олдилар. Суратда: 6-бригаданинг бошлиғи ўртоқ Ёқуб Юсулов колхозчиларга газетадан КПСС Марказий Комитети Пленумида ўртоқ Н. С. Хрущевнинг қилган докладыни ўқиб бермоқда.

А. Абалия фотоси.

ПАХТАКОРЛИК—ШАРАФЛИ КАСБ

Неъмат ака остона ҳатлаб уйга кирганида, болаларидан бири «ним» дегандай, кўрсаткич бармогини лаблари устига қўйди.

— Ҳа, тинчликми? — ажабланиб Неъмат ака, — Ойимларни гапиряпти, — деди секингина катта қизи, — эшитинг!

«... Пиллик плани муддатидан илгари бажарган иккинчи бригада аъзоларига обарин!»

Колхоз радиоузели дикторининг дон-дона сўзлари уйни тўлдирди юборди. Неъмат ака воқеани тушуниб шекилли:

— Қойилман, болбасин! — деди Назира олага кудимсираб қараб қўйди.

Шу тобда Назира опанинг кўнгли тоғдай кўтарилди. Пахтакорлик шарафли касб эгаси бўлганлигидан минг бор севинди. Дикторнинг сўзларини тинглаган, унинг хаёли ўтмишга учди...

«... Назира мактабининг шўх қизларидан эди. Туртта қиз бир ерга йиғилиб қолишса, «Дуторимнинг торлари...» деб ашула айтишарди. Парта чапи «Жонон»га ўйинга тушишарди. Назира ўз тенгдошлари билан бахтли ёшликнинг гаптини сураётган бир даврга жонанжон Ваганимизга ёвуз душман бостириб кирди. Йиғилар фронтга жўнашди. Мамлакат ичкарисидига юмушлар котин-қизлар ва кексалар зиммасига тушди. Назира колхозда ишлай бошлади. Балоғатга етиб, турмушга чиққаннан сўнг кутубхоначилик қилди, мағазинда сотувчи бўлиб ишлай бошлади.

У мағазинда ишлар экан, Турсуной Охунова, Саодат Гулхамедова, Марҳамат Ёўлдошева каби дондор котин-қизларнинг қилаётган ишларини газетадан ўқиб, радиодан эшитиб ўз касбидан кўнгли тўлмайдиغان бўлиб қолди. «Мен ҳам пахтакор бўламан» деган фикр унга сира тинчлик беғам қўйди. «Колхознинг иккинчи бригадаси ҳар йили пахта планини бажармайди. Шу бригадани кўтарини ўз зиммамга олсамчи?» — деб тез-тез ўйлайдиган бўлиб қолди. Бир кун у ўз режаларини эри Неъмат акага айтди.

— Оғриманган бошимга олтин исирга, қўйсангчи, — деб қойиб берди Неъмат ака.

Лекин Назира эрининг қойишдан ҳам, қийинчиликлардан ҳам чўчмай: «Тошкент вилояти, Янгийўл районидagi «XIX партсъезд» колхозининг правленийига, партия ташкилотига ариза» —

Назира жуда тез ёзган бўлса ҳам у етга нима ёсам экан, деб ўйлаб қолди. Ханинган ҳам нимаи ёсини? «Иккинчи бригада»

нинг саксон гектар ердан қирқ центнердан ҳосил олиб бераман, мени бригадир қилиб тайинлангилар» — десинми? Йўқ, бу мақталоқлик бўлади. Бунинг устига сувғи бригадирликда қотган Аҳмад Шопўлатов, Ойхўжа Қўрғонов, Аҳмад Юнусов, Мирзажон Абдуллоев қабили:

— Хўв, Назирахон, чучварани хом саналсан, ҳар гектар ердан қирқ центнердан пахта ҳосили олиш осон эмас. Шунча таърибимиз билан, бизлар аўрга ўттиз центнердан ҳосил етиштирядмиз, — деб қолшиса, нима деган одам бўламан? Ени колхоз раиси Юсуф Файзиёв:

— Қизим, бригадирликка дехқончиликнинг кўзини билдирган одам иерак. Сиз савдонгиздан қолманг, — десачи?..

Назира ўз саволига ўзи жавоб излаб ўйга толди, ниҳоят ариза ёзмай, рекасини колхоз бошланғич партия ташкилотининг секретарига айтиб унинг фикрини олайчи, деган қарорга келди.

Партия секретари Назиранинг режаларини эшитиб унга даъда берди:

— Колхоз правленийиси тасдиғига номзодингизни ўзим тавсия қиламан, — деди у.

Назира бошлиқ бўлган бригада пайталарида баҳор, ёз фаслларида қайноқ меҳнат гапни бир кун ҳам аримади. Олтин куз фасли эса ўзи билан бирга бир дунё қувончини бошлаб келди. Пайталарда битган «оқ олтин»нинг ҳисоби йўқ эди. Ҳамма шу олоққ мондиари йиғиштириб олишга жониди билан киришиб кетди.

Турсунойлардан Ҳамид Ҳасанова, Сатра Ҳикоева, Зайнаб Халилова ўртоқлар уларнинг «зангори кема»лари билан пайкалларда сувоб хирмонга баранга киритдилар. Қирқ беш кун деганда саксон гектар ернинг ҳар гектаридан ўттиз бир центнердан аъло сифатли пахта ҳосили териб олинди. Йиллик план 28 октябрдаёқ юз процент қилиб бажарилади.

Шу воқеаларни эсларкан, Назира опанинг чеҳрасига қувонч аломатлари югурди. Диктор бўлса ҳамон гапида давом этарди: «Ўртоқ Назира Ёўлдошева бошлиқ қилаётган бригадада ҳосилдорлик қилмоқчи 40 центнерга яқинлашиб қолди. Улар партия-ми Марказий Комитети Пленуми ҳам шараф билан бажарганликларини ҳақида ёруз юз билан рапорт берадилар...»

«Пахтакорлик касби — шарафли касб экан, — деб қўнглидан ўтказди Назира опа, — бу касб мени шон-шараф, бахт-саодат келтириши...»

М. РИХСИЕВ.

ПЛЕНУМГА СОВҒАМИЗ

А. АЛИМОВ,
Калинин район партия комитетининг секретари

Районимиз меҳнаткашлари партия XXII съезди ва КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларини амалга оширабориб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш йилида катта ютуқни кўлга киритдилар. КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми очилган кунда сабабот сотиш плани муваффақиятли бажарилди. Давлатга пландаги 36,980 тонна уринга 37,005 тонна сабабот етказиб берилди. Бу ўтган йилдагида 8250 тонна кўнгли.

Шунингдек, қовуи-тарвуз сотиш плани 129 процент қилиб бажарилди. 1961 йилдаги қараганда 8309 тонна кўп қовуи-тарвуз топширилди.

Бу йил қартошқадан ҳам мўл ҳосил олинди. Ҳозирги кунга қадар давлатга 13.128 тонна қартошқа сотилди. Пилла, тухум сотиш планлари ортиги билан адо этилди. Мамлакатга пландаги 130 тонна уринга 147 тонна юқори сифатли балчи етказиб берилди. Ҳозирги кунларда давлатга гўшт, сут, жун, қартошқа, шони ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш давом этмоқда.

Сабабот экинларини сифатли парварिश қилиш ва мўл ҳосилни ўз вақтида нобуд қилмай йиғиб-териб олиб, давлатга топширишда генерал Собир Раҳимов номи, Оқундубоев номи, «XX партсъезд», Карл Маркс номи, «Эзбекистон» колхозларининг ҳиссаси катта бўлди. Бу колхозларда пландан ташқари 400—850 тоннадан маҳсулот сотилди.

Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, бу йил қолоқ колхозларда

ҳосилдорлигини ошириш соҳасида кўнга кўринарли ишлар қилинди. Жумладан, илгари қолоқ ҳисоблана келган «Октябрь», «Москва», «Ленинизм», Навоий номи колхозларда бу йил ҳосил анча мўл бўлди ва бу хўжаликлар давлатга сабабот, қартошқа, қовуи-тарвуз сотиш планларини муддатидан илгари бажардилар.

«Назарбек» совхозининг ишчилари ҳам фидокорлик билан меҳнат қилдилар. Натикада бу совхозда 1961 йилдаги қараганда анча юқори кўрсаткичларга эришилди. Шунингдек, «Бўсқув», «Тошкент» совхозларининг ишчилари ҳам бу йилги қишлоқ хўжалик йилини анча дуруст яқунлашди.

Ҳали районимиз колхоз ва совхозларининг далаларида йиғиштириб олинмаган ҳосил бор. Колхозчиларимиз ва совхоз ишчилари ана шуну ҳисобга олиб, пландан ташқари яна 500 тонна сабабот сотиш мажбуриятини олдилар.

Шу кунларда ҳосилдан бўшаган ерларда шудгорлаш қизғин бормоқда. Тракторчилар ерни сифатли ҳайдаб, келгуси йил ҳосилга пухта замин ҳозирлаш чораларини кўрмоқдалар. Август ойида экилган 500 гектар май-дондаги тиёз суркираб ўсмоқда.

Ҳеч шубҳа йўқки, районимиз сабаботчилари ва чорвадорлари партия ва ҳукуматимиз томонидан ўз элдларига қўйилган топшириқни шараф билан бажардилар ва мамлакатда коммунизм курилиши ишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Суратларда: Юқори Чирчиқ районидagi «III Интернационал» колхозининг пешқадам теримчилари (чапдан) Р. Биймурзаева, Ж. Мансурова, Г. Норкулова, С. Жуматовева, С. Эрашева ўртоқлар. Улар масум бошидан буён ҳаммага намуна бўлиб меҳнат қилмоқдалар.

А. Абалия фотоси.

ГЕКТАРИДАН 30 ЦЕНТНЕРДАН

ЧИНОЗ, «Эзбекистон» СССР 30 йиллик» колхозининг пахтакорлари КПСС Марказий Комитети Пленуми очилган кун аjoyиб меҳнат галабасини кўлга киритдилар. Ингим-теримини ушшоқлик билан ўтказган бу колхоз аъзолари пахта тайёрлаш давлат планини бажарганликларини тўғрисида рапорт бердилар.

Колхозда 1340 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил олинди ва давлатга 3820 тонна пахта сотилди.

Айри бригадалар эришган муваффақиятлар, айниқса, қувончлидир. Жумладан Социалистик Меҳнат Қаҳрамини ўртоқ Ж. Умарова бошлиқ бригада ҳар гектаридан 35 центнердан, М. Бобонов бошлиқ бригадада 100 гектар ернинг ҳар гектаридан 39 центнердан, Ф. Назимдинов бошлиқ бригадада 32 центнердан пахта топширдилар.

Колхозда кўжаликнинг бошқа соҳаларида ҳам яхши натижаларга эришилди. Қўсак теримини аважда, Терилган қўсаклар машиналарда пешма-пеш чувишмоқда ва пахта катта барабан суғилтасида куртилаб давлатга жўнатишмоқда.

Колхоз аъзолари далада қолган ҳосилнинг сўнги граммгача йиғиб-териб олиб келгуси йил мўл ҳосилга ҳам мустақам замин ҳозирлаш чораларини кўрмоқдалар.



колхоз раиси ўртоқ И. АХМЕДОВ

Далаларда ана шу мажбуриятга яраша ҳосил бор. Шу кунларда мажбуриятни бажариш йилида қизғин кураш кетмоқда. Қўсак теримини аважда, Терилган қўсаклар машиналарда пешма-пеш чувишмоқда ва пахта катта барабан суғилтасида куртилаб давлатга жўнатишмоқда.



Суратларда: Юқори Чирчиқ районидagi «III Интернационал» колхозининг пешқадам теримчилари (чапдан) Р. Биймурзаева, Ж. Мансурова, Г. Норкулова, С. Жуматовева, С. Эрашева ўртоқлар. Улар масум бошидан буён ҳаммага намуна бўлиб меҳнат қилмоқдалар.

А. Абалия фотоси.

СЕНГА, УЛУҒ ПАРТИЯ!

Корхоналардан дараклар

БАЙРОҚДОРЛАР

Заводимизда етти йиллик тўртинчи йил топширигини мундарицадан илгари бажариш учун бошланган ишларнинг социалистик мусобақасида марказий лаборатория ходимлари пешқадамлик қилиб, уч ойдан бери бошқарманинг кўчма Қизил байроғини ўз қўлларидан сақлаб келтиришди.

Лаборатория ходимлари бундай муваффақиятга осонликча эришмагандилар йўқ. Улар меҳнат интизомини тўғри йўлга қўйиб, тез ва аниқ анализ ўтказиш ва ишлаб чиқаришни янада такомиллаштиришга қаратилган рационализаторлик таклифлари киритиш билан корхонанинг умумий иш кўрсаткичига баракани ҳисса қўшаётдилар. Лабораторияда фотоколометрик усул ёрдамида пўлат таркибидagi фосфор ва кремнийни аниқлаш вақтини қисқарттиришга эришилди. Бунда Н. Маслова, К. Субботина, И. Иванова, Л. Рязанцева, В. Прудникова ва бошқаларнинг улуғи катта бўлди.

М. МИРАЪЗАМОВ,
Тошкент экскаватор заводи инженери.

КАШТАЛАРИМИЗ ШУХРАТ ҚОЗОНМОҚДА

Биз тўқиб чиқараётган пахта гулдўра, сўзана, дўши ва бошқа хил бадий буюмлар Иттифоқимизнинг турли бурчакларига, шунингдек Япония, Хиндистон сингари чет эл мамлакатларига ҳам юборилмоқда. Биз ерма халқаро ярмаркаларда ҳамда иштирокчилар да кашталаримиз юқори баҳо олди.

Бу муваффақиятлар коллективимизни янада унуқли меҳнат қилишга руҳлантираётди. Биз 10 ойлик маҳсулот тайёрлаш планини мундарицадан 8 кун илгари бажариб, ой охиригача планга қўшимча бир неча ўн минг сўмлик бадий кавша буюмларни тикиб чиқарган эдик. Эндилда ҳам биримизнинг диққат-эътиборини йиллик топширигини ҳам мундарицадан олдин тўла-тўкис адо этишга қаратилган.

КПСС Марказий Комитетининг Пленумида ўртоқ Н. С. Хрущевнинг қилган доклады коллективимизни янги меҳнат зафарларига олтириш мўқомада. Ҳозир фабрикаимизда коммунистларга ишлаб, коммунистларга яшаш ҳаракати авж оляб кетган. Х. Исмомлова, Т. Юнусқўжаева ва Н. Исҳоқова ўртоқлар бошчилигидаги бригадалар шу юксак нонга сазовор бўлишди. Яна 13 бригада шарафли ном учун курашапти.

О. МУСАЕВА,
Тошкентдаги «Шарқ гули» фабрикасининг ишчиси.

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

«Каму санига»

«Бефайз чойхона»

«Тошкент ҳақиқати» газетасининг 14 октябрь сонида «Бефайз чойхона» сарлавҳаси билан бошланган хабардаги фактлар текширишда тасдиқланди.

Газетада танқид қилинган 6. ошхонага қарашли 26-чойхонанинг иши «Зарафшон» маҳалла активларининг йилги мажлисида муҳокама қилинди. Унда чойхоначи Абдулла хўжа Норхўжаев ҳамда Тўхта Шамсуддиновларнинг ўз вазифаларига мазъуллик билан қараб келмаётганилиги, чойхонанинг маданий жойга айлантириш ўрнига ичкиликка йўл қўётган ишчилар қаттиқ танқид қилинди. Ингиллар иштирокчилари чойхонада оммавий-тарбиявий ишларни қўйиб қўйишга қаратилган амалий таклифлар киргизишди.

Октябрь район ошхоналар трестининг директори Н. НИ. ЗАМОВ.

„Зайнаб ҳамон хўрланмоқда“

Янгирлик врач Файзимат Мамадазимовнинг ўз рафиқаси Зайнаб Эмирмуродовани бирнеча йиллардан бундан хўрлаб келаятигани тўғрисида газетамизнинг 14-сонида юқоридаги сарлавҳа билан танқидий мақола босилган эди.

Врач Ф. Мамадазимовнинг ахлики Янгир шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг медицина ходимлари иштирокида ўтказилган умумий йилги мажлисда муҳокама қилинди, деб жаваб қилди редакциядаги Янгир шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири ўртоқ Юнусов.

Ф. Мамадазимов қилмишлари га нироб бўлиб, олдиси-билан ярашди нонқ илаш тўғрисида мажлисда қатъий сўз берган. Шу сабабли унга қаттиқ вивор берилган тикланган, Ҳозир бу онга тикланган.



Жаҳон ПАХТА таърифи

20 НОЯБРГАЧА

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Ишлаб чиқариш бошқармалари	Бир кунга	Мақсум бопшдан берилган	Қоп-қатор-сиз ташвиш
Тошкент	0.08	106.77	44.50
Янгийўл	0.16	117.41	117.54
Янгир	0.35	78.25	95.16
Чирчиқ	0.09	76.89	95.94
Сирдарё	0.22	61.70	84.67
РАЙОНЛАР			
Кўйи Чирчиқ	0.04	120.00	128.31
Оржоникидзе	0.08	101.91	40.83
Юқори Чирчиқ	0.17	100.05	100.31
Чиноз	0.19	99.12	129.06
Ўрта Чирчиқ	0.11	88.54	107.76
Янгийўл	0.18	87.87	111.14
Пискент	0.09	81.63	87.86
Янгир	0.36	81.03	102.23
Бўка	0.08	74.73	103.47
Бекобод	0.32	75.03	87.64
Сирдарё	0.27	69.42	98.74
Оқдўғрон	0.09	62.33	76.68
Комсомол	0.16	60.71	80.23
Тулистон	0.21	48.71	63.97
Область бўйича	0.19	78.58	59.05

159-қурлиш трести 7-бошқармасининг илгор гишт терувиш Мирҳосил Мусаев Пленум шарафига бошланган мусобақада аjoyиб меҳнат муваффақиятларини қўлга киритаётди. У пойтахтимизнинг Виставка кўчасидаги янги гузар-жой бинолари қурилишида ишлаб, кунлик топшириқни 160—170 процентдан адо этмоқда. Суратда: моҳир гишт терувчи ўртоқ М. Мусаев.

А. Абалиев фотоси.

ҲУНАРДАН УНАР

Бинокорлик касби Эргашга отасидан мерос. Отаси Жума ака Йўлдошев Бўстонлик районда ГЭС қурилишида прораб бўлиб ишларди. Эргаш ўзининг илгари баъжаришга қўйиб, гишт терувчилар, сувоқчилар ва бўёқчиларнинг иштини тамомлаш қилишни жуда яхши кўрар эди.

— Бинокор бўлмоқчимасан, Ингитча? — дейишарди қурувчилар. Сўнгра Эргашдан «ҳа» ишорасини сезаёт, қўшиб қўйишарди. — Аввал мактабни муваффақият билан тамомла, кейин олдимида кел, ўзимиз ўргатамиз.

— Албатта келаман, — деб жаваб берарди Эргаш. У мактабни тугатди. Ота эътироз билдиришди: ўғил қурилишга бориб бинокорлик касбини ўрганаболошди.

Мана, ўрта бўйли, кўюқ қора қошиқ йигит смена тугатганга анча вақт бўлганига қарамастан объектда кезиб юришди. У гоҳ котлован ёнига боради, гоҳ янги келтирилган қурилиш материалларини синчиқлаб кўради, гоҳ ён дафтарида олиб алланарсаларни ёзиб қўяди.

Бу — Эргаш эди. Сменадан кейин қўлиб эртаги ишларнинг режасини тузиш, бригада аъзоларининг ҳар бирига конкрет топшириқлар белгилаш унга одат бўлиб қолган. Эргаш Оҳангарон ГРЭСи қурилишига келганига 2 йилга яқин вақт бўлди. Ҳосос. Бироқ у тез орада қурувчиларнинг ҳурмат-эътиборини қозонди. Эргашни бетончилар бригадасига бошлик қилиб тайинладилар. Янги бригадир коллектив ўртасида меҳнат интизомини яхшилаш, иш унумини ошириш учун озмулча меҳнат сарф қилди. Талабчан бригада бошлиги ишчиларини жой-жойига қўйиш, уларнинг малакасини ошириш мақсадида қўшимча

ҳунар ўргатиш, қурилиш объектини материаллар билан ўз вақтида таъминлаш, механизмлардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш ва ниҳоят қурилиш ишлари сифатини яхшилаш боғида аста-секин сонларни ютуқларни қўлга киритаётди, бригадасининг энг пешқадам коллективлар сафига ўтишида жонбошлик кўрсатди.

Бригадир айниқса янги ишга келган кишиларга эътиборни қўйиб, уларнинг тезда ҳунарли бўлиб олишлари ҳақида қайғуради. Ҳозир бригадани илгор ишчилардан ҳисобланган Зоя Усмоновани олайлик. У илгари Сибирда тебелчи бўлиб ишларди. Лиза Петрухина эса бу ерга келишдан аввал магазинда сотувчилик қилган. Эндилда ҳам икки дугона сувоқчилар ҳам, бетончилар ҳам қилаверади, айниқса шифердан пакет ясашга ниҳоятда ош бўлиб олишди.

Шу кунларда ўртоқ Э. Йўлдошев раҳбарлигидаги бригада аъзолари ГРЭСнинг градирня-

лари учун шундай пакетлар тайёрлаётдилар.

— Улуғ Октябрь байрамига га белгиланган 5600 дона шифер пакетларини йигиб, топшириқни мундарицадан илгари бажарган эдик, — дейди бригада бошлиги. — Ҳозир бригадамиз аъзолари КПСС Марказий Комитетини Пленуми шарафига лекабрь ойи ҳисобига маҳсулот бераётимиз.

Бригада бундан 4 ой илгари коммунист меҳнат коллективга номини олиш учун курашувчилар ҳаракатига қўшилиб, ҳозир қабул қилинган мажбуриятнинг барча пунктларини тўла адо этмоқда. Янгида бригада аъзолари ўз раҳбарлари Эргаш Йўлдошевни қизгин куталдиликка қабул этилди.

Ўртоқ Э. Йўлдошев бошчилиқ қилаётган бригада коммунистларига яшаб, коммунистларига ишлаганини аjoyиб намуналарини кўрсатмоқда.

А. КОСТИЧЕВ.

ЗАФАР БИЛАН ДОВОН ОШАЁТГАНЛАР

«Меҳнат совғаларимиз — Ватанга!». Ана шундай ишлар остида ишлаб, зафар билан доvon ошаётган Тошкент Трамвай-Тролейбус бошқармасига қарашли вагон-ремонт заводининг КПСС XXII съезди номли коммунист меҳнат бригадаси аъзолари жонажон партиямиз Марказий Комитетини Пленумига муносиб тортиқ билан келишди.

Бу аҳдл бригадига уюшган станокчилар йиллик планини ортинги билан адо этилди. Улар КПСС Марказий Комитетини Пленуми шарафига меҳнат вахтасига туриб ишлаб, йил охиригача планга қўшимча равишда

670 сўмлик аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан янги мажбурият қабул қилдилар.

Илгор бригаданинг бу хизматли иши корхонадаги бошқа бригадаларга намуна бўлмоқда. Иккинчи трамвай депозитининг коммунист меҳнат бригадаси номини олиш учун курашаётган С. Шабельников бошлиқ ремонтчилар коллектив аъзолари ҳам станокчилар бригадасидан ўрнатилган, топшириқни ортинги билан адо этиб, аъло сифатли маҳсулот тайёрлашапти.

А. АКВАРОВ.

Пленумга муносиб тортиқ

Тошкентдаги Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонт заводининг коллективини КПСС Марказий Комитетининг тарихий Пленумига муносиб меҳнат совғаси билан келди. Пленум очилгандан кун — 19 ноябрда пландан ташқари ремонт қилинган 2006 ва 2396 рақамли ТЭ-3 тепловозлари мамлакатимиз халқ хўжалиги хизматини адо этиш учун пўлат излар бўйлаб сафарга йўл олди.

Корхона ишчилари етти йилликнинг тўртинчи йили топширигини мундарицадан олдин бажариш юзасидан ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажаришди. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳамма турлари бўйича давлат плани муваффақият билан адо этилмоқда. Йил бошидан шу кунга қадар пландан ташқари 6 та тепловоз капитал ремонтдан чиқди.

Завод цехларида ўзаро социалистик мусобақа тобора авж оляпти. Электр машина ва темирчилик цехларининг коллективлари запас қисмлар тайёрлаш йиллик планини мундарицадан илгари ой илгари бажариб, шу кунларда келаси йил ҳисобига маҳсулот бераётдилар.

Юзлаб ишчилар 1962 йил топширигини мундарицадан илгари бажарганилиги тўғрисида биринчи рапорти беришди. Асбоб-солик цехининг тоқари Н. Орлов, 2-механика цехининг станокчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Қодиров, чўян қўйиш цехининг ишчиси А. Султонмуродов ва бошқа ўртоқлар Ҳозир етти йилликнинг сўнгги йили ҳисобига маҳсулот тайёрлашапти.

Ж. МАҲМУДОВ.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ ЖАҲОН ЖАМОАТЧИЛИГИНИНГ ДИҚҚАТ-ЭЪТИБОРИДА

Зўр қизиқиш

ВАШИНГТОН, 19 ноябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Пленумининг иштини Америка пойтахтида зўр қизиқиш билан кузатмоқдалар. Радио ва телевидение Пленумнинг очилиши ва Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Н. С. Хрущев доклад қилганлиги ҳақидаги хабарларни эшиттирди. Америка инфорация агентликлари ҳам Пленум тўғрисидаги хабарларни тарқатди. Бу хабарларда, аввало, Совет Иттифоқи илгаридек оғир саноатни ривожлантиришга асосий эътиборини қарата беради, деб таъкидланади. Шу билан бирга, Америка инфорация агентликлари Н. С. Хрущев айни маҳалда озиқ-овқат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга кўпроқ эътибор берилади, деди деб ўқитиладилар.

ЭФФЕКТИВ ПЛАН

ЛОНДОН, 20 ноябрь. (ТАСС). Бугун барча инглиз газеталари Н. С. Хрущевнинг КПСС Марказий Комитетини Пленумида қилган докладыга жуда катта қизиқиш кўрсатиб, бу воқеани халқаро инфорациянинг асосий темаси қилиб олмоқдалар. Маъбулот докладынинг асосий қондаларини батафсил баён этиб Н. С. Хрущевнинг нутқ сўзлаётган вақтдаги фотосуратини, обзориқларнинг шарҳларини ва редакция мақолалари босиб чиқарди.

Маҳаллий сийсий қузуатувчиларнинг кўпчилиги КПСС Марказий Комитетини Биринчи секретарининг докладыдаги таклифлар Совет Иттифоқи экономикаси ва ҳаётида тузатишлар ясашга қаратилганлиги деган хулосага келмоқдалар.

Хрущев, деб ёзди «Файнэншл Таймс» газетаси, Коммунист

партиянинг совет экономикаси устидан контролни тубдан қайта қуришни таклиф этди. Бу қайта қуриш саноат ва қишлоқ хўжалигининг конкрет проблемаларини яхшироқ ҳал этишга қаратилган. «Дейли телеграф» газетаси ҳам Н. С. Хрущев томонидан таклиф қилинган план партиянинг саноатдаги раҳбарлигини кучайтиради, деб таъкидлади.

Газеталар Н. С. Хрущев докладынинг совет саноати ва қишлоқ хўжалиги кейинги йилларда эришган муваффақиятлари ҳақидаги қисмини алоҳида бўрттириб кўрсатдилар.

КПСС Марказий Комитетини Пленумининг очилиши ва Н. С. Хрущев доклады неча бутун кун давомида Лондон радиоси ва телевидениеси сўнгги ахборотларининг асосий темаси бўлди.

МОРИС ТОРЕЗ ФРАНЦИЯ ПАРЛАМЕНТИГА ЯНА САЙЛАНДИ

ПАРИЖ, 19 ноябрь. (ТАСС). Франция Коммунист партиясининг бош секретари Морис Торез парламент сайловининг биринчи даврасида Миллат мажлиси депутатлигига яна сайланди. У Париж атрофидаги Иври деган жойда ўз округида 3.751 овоз, яъни 1958 йилдаги парламент сайловидан нисбатан 15.65 процент кўп овоз тўлади.

Американинг жосус самолётлари Қизил денгиз устида

ҚОҲИРА, 19 ноябрь. (ТАСС). Кейинги бир неча hafta давомида Американинг «У-2» типлиги жосус самолётлари разведка мақсадида Қизил денгиз районига ва жумладан Яман портлари устида зўр бериб ўтмоқдалар, деб хабар қилди Қоҳирада чиқадиган «Рўз Алосиф» ҳафталик газетаси.

Бу учинларнинг мақсади, деб таъкидлайди газета, Бирлашган Араб Республикаси ҳукумати

Яман Араб Республикасига иккала мамлакат ўртасидаги ўзаро муносабат ҳақидаги битимга мувофиқ юборётган савдо кемалари ва ҳарбий қорабоналарни, шунингдек самолётларни кузатишдан ибдорат.

Газета Американинг ана шу ҳамма жосус самолётлари Американинг Ливиядаги «Улдус-Филд» ҳарбий ҳаво базасидан учиб келаятиганини хабар қилади.

ЯМАНДА ЖАНГЛАР

ҚОҲИРА, 19 ноябрь. (ТАСС). Сауд яқинида Бирлашган Араб Республикасининг парашютчи қўшинларининг бўлиналари ҳамда бу районга суқилиб кирган Сауд ва Хусайн сотқини шайбалари ўртасида шиддатли жанг бўлди.

дейилади Санодан олиниб, «Алаҳ-Бор» газетасида эълон қилинган хабарда.

Бирлашган Араб Республикасининг парашютчи бўлиналари бу районни қамал қилдилар ва уни тамомлаб эгалладилар.

ТУРКМАНИСТОНДА ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ДЕКАДАСИ

Бугун Туркменистон пойтахти Ашхобода ўзбек адабиёти декадаси бошланади. Ўзбекистон шоирлари, ёзувчилари, адабий танқидчилари делегацияси қардош туркман элнга меҳмон бўлиб жўнаб кетдилар. Делегация составида Гафур Гулом, Ғайратий, М. Шахзода, З. Фатхулдин, М. Бобоев, Мирмуҳсин, А. Бобожон, А. Раҳмат, Т. Собиров, Б. Пармузин бор.

— Бу бизнинг Туркменистонга биринчи сафаримиздир, — дейди делегация раҳбари шоир Уйғун Ўзбекистон телеграф агентлигининг муҳбирига. — Биз Ашхобода, Небитдоғда, Марйда китобхоналар билан учрашамиз, Биз нефтчилар, нахтакорлар, қорвадорларнинг меҳмони бўлаемиз.

Экономикада ва маданият соҳасида ўзбек ва туркман халқларининг жуда кўп умумий ҳусусиятлари бор. Ўзбекистон ҳам, Туркменистон ҳам Ватанга пахта, нефть, газ, қоракўл беради. Ҳар икки республиканинг далалари Амударё сувларидан баҳраманд бўлмоқда.

Бизнинг тилларимиз ҳам яқиндир.

Туркман билан ўзбекка Алишер Навоий ҳамда Махдумқул бир хил қимматли ва тушунарлиқ. Берди Кербоев, Бекни Сейтаков ва Совет Туркменистонга атоқли ёзувчиларнинг асарлари республикамиз китобхоналари ўртасида гоёт кенг маъшурдир. Ўзбекистон театрларининг сахналарида Туркменистон драматургларининг пьесалари қўйилмоқда. Масалан, Ҳамза номидида театр яқинда Х. Мухтаровнинг «Ойла номуни» («Ойла ойнаси») пьесасини сахнага қўйди.

Ўзбекистон шоирлари Туркменистон китобхоналарини ўзларининг партия тўғрисидаги Советлар мамлакатли халқларнинг ўзларининг тўғрисидаги янги шеърлари ва лирик асарлари билан таништириладилар.

— Мен аминманки, — деди суҳбат охирида Уйғун, — бизнинг ана шу сафаримиз шоирларимиз ва прозаларимизга янги темаларни, қардош халқларнинг улуг бирлиги тўғрисидаги темалар беради.

(ҒаТА).

КАПИТАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАРДА

«Касаба союзларга эркинлик талаб қиламиз!». «Иш талаб қиламиз!». «Ишчилар ва уларнинг болалари оч, бойлар эса хашаматли рестородаларда пулларни исроф қилмоқдалар». — турк ишчилари ана шундай транспарантлар билан ҳам «ўз» помешчик ва капиталистлар томонидан, ҳам Туркияда жойлашиб олган Америка фирмалари томонидан бўлаётган оғир эксплуатацияга қарши намойишларга чиқмоқдалар.

Кўп йиллар давомида турк ишчилари 5018-сон деб аталган қонунга кўра кўп ҳуқуқлардан маҳрум бўлиб қолмоқдалар. Уларга забастовка ўтказиш, коллектив шартномалар тузиш, тароққ касабасоюзларини бирлаштириш манъ этилган.

Лекин турк меҳнаткаши учун энг дахлатли нарсаси нисбатан бўлиб, у «Тержумойи» газетасининг ибораси билан айтганда «мамлакатини худди алаҳшрашдек бўлмоқда» — 28 миллион кишилик аҳолиси билан Туркияда ишсиз ва ярим ишсизлар сонини 4200 миң кишига бориб, яъни АҚШда қанча ишсиз ва ярим ишсиз бўлса тахминан шунчадир. Турклар, американиликлар Туркияга чиққан бундай билан бирга совга сифатида ишсизлигини ҳам экспорт қилдилар, дейишарди.

1960 йил май ойида кунин битган ва шармандас чиққан Мендере режимининг ағдарилиши ишчиларнинг оғир турмуш шароитларига ҳамда, касабасоюз раҳбарларидан бирининг ибораси билан айтганда «фашистлар Италиясининг кодексларидан ўзлаштириб олган» қонунларга қарши актив ва ушшоқлик билан чиқаришга туртки бўлди. Ҳарбий йўналишлардан сўнг «Турк Иш» касабасоюзлари конфедерациясини ҳуқуқматта дарҳол телеграмма юбориб, унда антидемократик қонунларнинг бекор қилиниши, касабасоюзларга эркинлик берилиши, ишчиларга забастовка қилиш ва коллектив шартномалар тузиш ҳуқуқи берилиши,

ЎЗ ҲУҚУҚЛАРИ УЧУН

ишчилар ҳуқуқига оид қонунлар қўрилганини қайта кўришни, иш ҳақининг оширилишини ва ҳоқазоларини талаб қилди.

Туркия меҳнаткашлари бу талабларнинг бажарилиши учун актив кураш олиб бормоқдалар. Касабасоюзлар ўз фаолиятларининг доирасини кенгайтирмоқдалар, курашда бирликка эришмоқдалар. Ҳозир 400000 аъзоси бўлган 420 майда касабасоюзлар 16 йиллик касабасоюз федерациясига бирлашмоқдалар. Ишчилар «бизнинг қудратли бўлишимиз учун бирлашувимиз керак» демоқдалар.

1961 йил Туркиянинг йиллик шартларидида ишчиларнинг ўз оммавийлиги жиҳатидан мисли қўрилмаган чиқишлари билан иштирокчи бўлиб, Уттан йил май ойида Измир шаҳрида транспорт, тўқимачилик ва темирчилик саноатлари ишчиларининг 40 миң киши иштирок этган оммавий намойиши бўлиб ўтди. Декабрьда Зонгулдак районининг шахтёрлари ва Эскишаҳарнинг темирўйичлари иштирокчи бўлиб, Улар иш қурашга отландилар. Улар иш қурашнинг дарҳол 40 процентини оширилишини талаб қилдилар. Митингга сўзга чиққан кишилар меҳнаткашлар шароитини яхшилашга кураш ваъда бериб, лекин амалда гапдан нарига ўтмайдиган буржуа

партияларининг хатти-ҳаракатларини қораладилар. Касаба союз бошлиғи Аҳмад Асудий митингда бундай деди: «Биз ҳукуматдан касабасоюзларга эркинлик, ишчиларнинг сифий ҳисобга олмаси бўлмайдиган куч эканлигини кўрсатди».

1961 йилнинг 31

Янгида пойтахтнинг Охун бобоев номидаги театрда шоир Энгин Мирзанининг ишловчи режиссори С. Улжабеовлар саҳналаштирилган. Саҳна декорацияларини расмчи А. С. Чернов ҳаётий ва жозибали қилиб бераётган.

Драмани республикада хизмат кўрсатган артист И. Аҳмедов билан режиссёр С. Улжабеовлар саҳналаштирилган. Саҳна декорацияларини расмчи А. С. Чернов ҳаётий ва жозибали қилиб бераётган.

Театрнинг етакчи санъаткорларидан М. Пулдошева янгиликларни илтифот билан меҳрибон ўқитувчи, кейинроқ механик-ҳайдовчи Ойжамолни, М. Ҳамидова Обжамолнинг онаси Нуржамол буюни, С. Улжабеов мактаб директори Тоғбаевни, А. Исмоилов Эгамназар отани, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист О. Толипов механик Ингит Султоновни, Д. Қосимова шаҳардан кишлоққа ишга келган ёш ўқитувчи Назоқатни, В. Қодиров эса ўқувчи Ваҳодир образларини ҳақоний талкин этадилар.

Шоир Энгин Мирзани биринчи марта драматургия соҳасига олиб кирган бу янги асарининг ёш тамошбинлар саҳнада кўрсатилаётган тамошбинларда зўр қизиқиш уйғотди. Шу сабабли спектакль тугаши билан тамошбинлар бу янги спектакль ҳақида кенг, атрофли муҳокама юритдилар. Сўзга чиққан ўртоқлар бу янги саҳна асарининг ютуқ ва намчиликларини кўрсатиб, конкрет фикрлар айтидилар.

Бу янги, замонавий, қизиқ саҳна асари тамошбинларга кўрсатила бошланди.

А. ЮСУПОВ.



СОҒЛИҚ УНИВЕРСИТЕТИ

Тошкентдаги Марказий лекторийда соғлиқ университети иш бошланди. Университет ректори профессор И. Гасария тингловчиларни янги ўқу йили билан таъриқлади. Биринчи машғулотда профессор М. Софиев «Одамнинг пайдо бўлиши ҳақида янги маълумотлар», доцент Н. Новиков «Нафас йўллари янгиликларини, уларни даволаш ва олдинги лекция» деган темаларда қизиқарли лекция ўқидилар.

Соғлиқ университети икки йилга мўлжалланган бўлиб, ҳар ойда икки мартадан машғулот ўтказилади. Тингловчиларга З. Умидова, Н. Исмоилов, Х. Зоҳидов, А. Қотан каби таниқли профессорлар лекция ўқидилар.

Н. РАҲИМОВА.

БИР АСРНИ ОРҚАДА ҚОЛДИРИБ

Оржоникидега райондаги «Ленинград» колхозинда ишовчи ва барурук онахон Жуман Давлатова бир асрдан ортиқ умр кўрди. — 104 га қирмаган — дейди онахон. — Агар бироз ёшнинг нечадеса 45 да дейман. Негиз десагина, зулматда ўтган умримни ҳисобга олмайман. Заман ҳам ҳали бақувватман-да!

Колхоз правленисини табарурук онахонга пенсия тайинлаган. Жуман она тўқ фаровон ҳаётини давом эттириб бормоқда.

С. МИРЗАЛИЕВ.

ОБОДОНЧИЛИККА ЭЪТИБОР

Калинин районидagi Карл Маркс номидаги колхоз правленисини территорияни ободонлаштиришга катта эътибор бермоқда. Колхознинг асосий кўчасига доғдорвод келтирилди, колхозчиларнинг уйлари тўла радиоландирилди.

Правление кўчаларини асфальтлаш масаласини кўриб, бу тадбирни амалга ошириш учун 30 минг сўм пул ажратди. Ҳозир Юнусовдан колхознинг сут-товар фермасига ҳам бўлган йил текинлаб, асфальтлаб қўйилди.

А. МИРЗААХМЕДОВ.



БИЛИМИНИ ОШИРМОҚДАЛАР

Тошкент медицина институтига аспирантура ва клиник ординатурага врачлар қабул қилиш бошланди. Ҳозиргача аспирантурага 18 ва клиник ординатурага 25 врач қабул этилди.

Чунинчи, улардан 11 йил врач-хирург бўлиб самарали ишлаб келган Улугбек Ризаев нормаль анатомия кафедрасида аспирантурага қабул қилинди. Унинг хирургия клиникасидаги клиник ординатурага қабул қилинди. Шунингдек, Алексей Симонов профессор Ф. Амиров бошчилик қилаётган операция хирургия бўйича аспирантурада, врач Акбар Алимов болалар териология клиникасида ишлайди.

А. НИМ.

Машғулотлар бошланди

Тошкент шаҳар партия комитети ҳузуридаги Марксизм-Ленинизм кечки университетига тарих, экономика, философия, марксизм-ленинизм асослари, илмий атеизм, марксизм-ленинча эстетика факультетларида биринчи машғулотлар бошланди ва ушшоқлик билан ўтди.

Университет тингловчилари икки йил мобайнида партия тарихи, сиёсий иқтисод, диалектик материализм ва бошқа фан асосларини ўргандилар. И. РУСТАМОВ.

Яхши қол, футбол!

«СПАРТАК» — ЧЕМПИОН СССР КУБОГИНИНГ ЭГАСИ УСТИДАН ҒАЛАБА ҚИШИНЕВДАН ХУШҲАБОР • ФАХРЛИ УРИН — ФАХРЛИ НОМ

Ишқивозлар ёмғир, қордан кунларча чўзилган футбол мавсуми билан хайрашдилар. Чемпион ҳам, қолган бошқа командалар эгаллаган ўрин ҳам маълум бўлди. Сўнгги суратга ўйинлар ҳамини халқимиз солди. Чемпионлик дарвоғарларидан бири Тбилиси динамочилари ўз майдонида ИСКА футболчиларига ютқазиб қўйиб (0:1) учинчи ўринда қолдилар. Уларнинг москвалик клубдошлари — олтин медалга иккинчи қилдилар ҳам муваффақиятга эриша олмадилар. Москваликлар Ростовда армиячилар билан бўлган ўйини 1:1 ҳисобида дуран қилдилар. Шу билан олтин медалларнинг тақдирини ҳам ҳал бўлди. Москвалик «Спартак» командаси Киев динамочилари билан учрашмасдан, чемпион бўлиб қолди. Спартакчилар эски чемпион дарвоғазига иккинчи жавобсиз тўп киритдилар. «Спартак» бу билан иккинчи ўринга ўйинга тўртинчи ўринга кирди. Олтинчи ўринга Москва автозаводчилари билан «Шахтёр» ҳамда улар кетидан бораётган «Пахтакор» раёбат қилаётган эди. Тошкентликлар ўз майдонида икки марта СССР кубогини олиб олган «Шахтёр» командаси билан учрашди. Қўшқонли ва кескин кўраш билан ўтган бу матч тошкентликлар фойдасига 2:1 ҳисобида ҳал бўлди. Ўйинда ҳисобни ярим химочини В. Мухин очди. Қўшқонли бурчакдан Б. Абдураимов оширган тўпни марказий ҳужумчи И. Тагетдинов калта билан уриб, битталик дурдан киритди. Капитанилик вазифасини бажариб, таълимчи бутун матч давомида актив ҳаракат қилиб, жузда чиройли ўйнаганларини қайд этган кенар каттиқ ҳужумга ўтган мезмонлар «Пахтакор» дарвоғазига олди да хавфли ҳолатлар вужудга келтира бошладилар. Ана шундай ҳолатлардан бирида С. Семёнов тўпни дарвоғаз теъдасидан ошпириб юбора маж деб, қол уриб қўйди. Тошкентликларнинг оғузи ушарлиши «Молдовани» ҳам «Ердам» қилиб юборди. Кишинев футболчилари «Пахтакор»га бу мавсумда 4 очко «ҳада» этган эдилар. Сўнгги ўйинда улар Москвалик «Торпедо» командасини ютди берди. Финалда бор-йўли 2 очко олган бу команданинг торпедочиларини 5:1 ҳисобида мағлубитла учратгани катта шов-шув бўлди.

«Нефтяник» — «Зенит» матчида команданил биттадан тўп уришди. Олтинчи ўринни эгаллаган ҳам шаҳарларимиз СССР спорт мастери фахри номини олиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Бу янги мамлакат чемпионатининг якуни қуйидагича бўлди:

Table with 3 columns: Team Name, Points, Goals. Lists teams like Spartak, Dinamo, etc.

Ажойиботлар оламида

Нептун оламида репортаж. Деңиз балық ҳўжалиги ва океанография Бутуниттифоқ илмий тадқиқот институтининг экспедицияси Азов деңизин ва Қора деңиз ҳавзаларини текшириб, жузда буюк ақустик коллекция тўплади. Экспедиция олган маълумотлар шундай бир прибор асарида негиз бўлиб қизилди. Бундай приборлар деңиз тўбиде қандай балықлар яшириниб юрганлигини, бу балықларнинг қанчаллигини ва улар қайси томонга бораётганлигини бехато аниқлай олади.

Пленнага ёзиб олинган балықлар овозини Халқ ҳўжалиги йотуқлари иставкасидаги «Фан» павильонинда эшитиш мумкин. Кези келганда шунини айтиш керакки, «Северянка» номи совет сув ости кемаси балықлар чиқараётган овозларга қараб оври кемаларини сельд балыги галаларига йўллаш усулини дунёда биринчи бўлиб амалга оширди. (ТАСС мухбири).

МАШИНА БИЛАН СУЗЛАШИШ

Машиначилар бўлмаган машина бюросини бир кўз олдинга келтиринг. Микрофон ёнига ўлтириб, текстни ўқиб берсангиз, машинанинг ўзи уш қўгозга ёзиб кетаверади.

Модомки, бу ишнинг иложи бор экан, демак, одам товуш сигналлари ёрдами билан машинани ўз буйругини бажаришга мажбур этиши янги машина билан «сузлашиш» мумкин. Рост, бу — қилса бўлади-ган иш, демоқдалар олимлар Москва, Киев, Тбилисидеги илмий коллективлар одамнинг машина билан тагин ҳам «уст-таҳавор» алоқа боғлаш имкониятини ўрганмоқдалар. Масалан, Москва автомашина ва телемеханика институтинда ёш математик Э. Браверманнинг фикрини амалга оширишга муваффақ бўлди. У, ўзига хос курс асосида машиналарни кў-

Тошкент Давлат медицина институтининг биохимия кафедрасида ассистент бўлиб ишловчи Илҳол Гулмираева бу йил кандидатлик диссертациясини муваффақият билан ёқлади. У ўз диссертациясини оғир ва радиоактив металллар ҳар хил нолларининг оқсил доначаларига таъсирини аниқлашга бағишлаган. Суратда: ёш олимпиа ўртоқи И. Гулмираева кафедрда лабораториясида.

А. Мальцев фотоси.

Омонат кассалар хизматидан фойдаланинг

Шу йил декабрда мамлакатда давлат меҳнат омонат кассалари ташкил қилинганга 40 йил тўлади. Бу ўтган вақт ичида омонат кассалар аҳоли ўртасида катта шўхрат қозонди.

Омонат кассалар мамлакатимизнинг барча шаҳар ва районларида бор. Улар аҳолига хизмат қилиш юзасидан катта ишларни амалга оширишди. Омонат кассалар хизматидан Тошкент шаҳар меҳнаткашлари ҳам кенг фойдаланоқдалар. 200 га яқин омонат касса республикамиз пойтахти аҳолиси хизматидан фойдаланади.

Шу йил октябрь ойи бошида аҳолига хизмат қилишни янада яхшилаш мақсадида шаҳарда қўшимча учта омонат касса очилди. Улардан бири Сарикўзская кўчасида, қолган иккитаси Чиланзор массивида.


Омонат кассалар бажарадиган асосий иш аҳолидан омонат пуллар қабул қилиш ва қайтариб беришдан иборат. Шаҳримизнинг миңлаб ишчи, хизматчилари, студентлари пул жамғармаларини омонат кассаларда сақлаб, ўз бюджетларидан мақсадга мувофиқ фойдаланишга қўлай имкониятга эга бўлмоқдалар. Улар омонат кассага ойлик иш ҳақини маълум бир қисминини қўйиш билан йил давомида катта жамғарма тўплаш ва меҳнат отпускасани кураётган ишчиларга қўлай шартлар, ҳархил қимматбаҳо буюмлар олишга муваффақ бўлдилар.

Жамғарма тўплашнинг энг қўлай усули иш ҳақидан шаҳарнинг хоҳлаган омонат кассасига пулни пересчисление йўли билан топширишдир. Бунинг учун омонатчи ўзи ишлаб турган корхона ёки муассасанинг бухгалтериясига омонат кассанинг номери ва топширилаётган пулнинг ҳажминини айтиб ариза бериши қийин. Корхона ва муассасаларнинг раҳбарлари ва бош (старший) бухгалтерлари ишчи ёки хизматчиларнинг бундай топшириқларини сўзсиз бажарадилар.

Тошкент шаҳарнинг таҳминан учдан бир аҳолиси — 384 миң омонатчи ўз ҳисобларида 86 миллион сўм жамғармани сақламоқда. Омонатчиларга бир қатор қўлайликлар яратилган: омонатлар бўйича улар процент ёки йотуқ тарихида фойда олади; омонатчи нақд пул бермай квартира, коммунал хизмат (газ, электр, телефон ва бошқалар) учун ҳақ тўлаши мумкин, ўз омонатини бир кассадан шу шаҳардаги ёки мамлакатнинг бошқа хоҳлаган кассасига ўтказиши мумкин, омонатини олиш учун ишонч қўгози бериши, ва уни бошқа шахс ёки ташкилотга қолдириши мумкин.

А. ХАЙРУЛЛИН.

Тошкент шаҳар Давлат омонат кассалари ва давлат кредити бошқармаси бошлиғининг вазифини вақтинча бажарувчи.



21 НОЯБРДА Рўс тилида: 18.30 — Телевизион янгиликларнинг мақсус сони, 18.45 — Орлянок (телевизион фильм) 19.20 — Телевизион янгиликлар, 19.40 — Ҳақиқат учун кураш номи бадий фильмнинг ишонччи серияси. Ўзбек тилида: 21.10 — Телевизион янгиликлар, 21.30 — КПСС Марказий Комитети Пленумига бизнинг совгоми (кишлоқ ҳўжалик ходимлари учун), 21.45 — Классик опера ва балетлардан парчалар (Ўзбек артистлари ижросида).



НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 21/ХИ да Оқшўр кўли, 22/ХИ да Травната. ХАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 21/ХИ да Тобутдан товуш, 22/ХИ да Алишер Навоий. МУҚИМНОВ НОМЛИ ТЕАТРДА — 21/ХИ да Тобболта ошқ, 22/ХИ да Ғазал фойжаси.



Шунча узоқ жудоллик — «ИСКРА» (1 ва 2-залда), «ВАТАН» (кундуз ва кечкурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда). Укам — «МИР», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕККИСТОН» (кундуз ва кечкурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда). Гусар қиссаси — «ИСКРА» (3-залда, кундуз ва кечкурун).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

21, 23, 25 ноябрда Ўзбек давлат филармонияси халқ чолу асбоблари оркестрининг КОНЦЕРТЛАРИ. Ўзбекистон ССР халқ артисти Комилжон Отаниёзов, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Коммуна Исмоилова, солистлардан Сора Шукурова, Мунаввар Давлатова, Тўхта Алҳўжаева, Неъмат Қўлабдуллаев, Баҳром Мавлоновлар қатнашади.

Концерт кеч соат 7 ярамда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

21 ноябрдан УКРАИНА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ва Удмуртия АССРда хизмат кўрсатган артист ИВАН КУДРЯВЦЕВНИНГ ажойиб айлиги Гоша билан ГАСТРОЛЛАРП. Цирк майдонида қизилчилардан Байда, Копит, Крацов ва Качачениолар томоша давомида қатнашади.

Томоша кеч соат 7 ярамда бошланади. Билетлар эрталаб соат 11 дан сотилади.

1962 йил 29 ноябрь кундуз соат 2 да

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих ва археология институтининг илмий совети мажлисида (Навоий кўчаси, 55-у). Иккинчи қанчалар кўйидаги тарих фанлари кандидатига деган илмий даражани олиш учун ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Э. Хожиев: «Ўрта Осиё-Россия иқтисодий ва сиёсий алоқаларининг ривожланишида Тошкент шаҳарининг роли (XVIII аср охири — XIX аср бошлари)» деган темада.

И. С. Соловьев: «Чет эл ишчи ва деҳқонларининг Туркистондаги революцион ва коммунистик ҳаракатлари (1918 — 1921 йиллар)» деган темада.

Диссертациялар билан Фанлар академияси кутубхонасида танишиш мумкин (А. Туқаев кўчаси, 1-уй).

ЎЗБЕКИСТОН ТЕАТР ЖАМИЯТИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ НОМБИНАТИ

ЖУН, ШОИИ, ИЛ.ҒАЗЛАМА БУЮМЛАРНИ, ПОЯЛАЗАЛ ВА КУН БУЮМЛАРНИ

б у а ш,

бадий ҳаваскорлик коллективлари учун исталган тўсда КЮСТЮМЛАР ТИКИШИ клублар саҳнасини безаш, клуб ва муассасаларда пардалаш ишларини бажариш учун муассаса ва корхоналардан

Заназ қабул қилади

Мурноаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 20-уй. телефон 4.28.89.

«Бизнинг адрес»

Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

4-БЕТ, 21 НОЯБРЬ, 1962 ЙИЛ.

Бу қувноқлар Тошкентдаги 225-болалар боғчасида тарбияланади. Суратда: боғча тарбиячиси Муътабар Саидалихўжаева кичиктоғларга қизиқарли китоб ўқиб бермоқда.

В. Салов фотоси.



Вугун Тошкент шаҳрида ва Тошкент областида булут нам бўлади, ёгингарчилик бўлмайди. Эрталаб Тошкентда 0-2, областа 0-3 даража совуқ, кундуз Тошкентда 7-9, областа эса 4-9 даража иссиқ бўлади. ТОШКЕНТ ОБ-ХАВО БЮРОСИ

Редактор М. ҚОРИЕВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004, редактор ўринбосари — 25885, Партия турмуши бўлими — 26232, Пропаганда ва совет курлини бўлими — 28761, Кишлоқ ҳўжалик ва маҳаллий ахборот бўлими — 29040, Адабиёт ва санъат, маданият, сановат ва транспорт бўлими — 33786, Секретариат — 34808, Хатлар бўлими — 34048, Илгўр таърибаларни пропаганда қилиш штабиси бўлими — 31936, Эълонлар бўлими — 28142, Коммутатор — 26334, 33262, 30249, 30250, 30253.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон Сўрх» бирлашган нашриятининг босмахонаси. Нашр, Р, 1727.